

Сутра ҳақида | Ҳадис дарслари (311-дарс)



19:00 / 17 декабрь 97

«Сутра», деганда намозхоннинг олдидан бирор нарса ўтмаслиги учун қўйилган тўсиқдир. «Сутра»ни Ҳанафий ва Моликий мазҳаблари мандуб, Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳаблари мустаҳаб, деганлар.

Девор, устун, найза, асо, бошқа бирор нарса сутра бўлиши мумкин. Ҳеч нарса топилмаса, бир чизик чизиб қўйса ҳам бўлади. Мақсад, намозхоннинг олдидан бирор нарса ўтиб, кўнглини бузмасин, хусусан, шайтон васваса қилмасин.

????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????: ??????

?????? ?????????? ?????????????? ??????? ?????? ????????????

?????????? ?????????? ?????????????? ??????? ?????? ???????????.

????????? ???????????????.

Саҳл розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоз жойлари билан девор орасида бир қўй сиғадиган жой бор эди».

Учовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Баъзи бир уламолар «У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қадамлари билан деворнинг орасида бир қўй сиққудек жой бор эди», дейдилар. Тўғрироғи эса саждага бош қўядиган жойлари билан девор орасида, деганимиздир.

????? ??????? ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????.
????????? ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????.
????????? ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????.
?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????.
?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????.
?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????.
?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????. ?????.

Язийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Салама розияллоҳу анҳу мусҳаф ёнидаги устун олдида намоз ўқишни танлар эди. Мен унга:

«Эй Абу Муслим, ушбу устун олдида намоз ўқишни танлаганингизни кўрмоқдаман?» дедим.

У:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг унинг олдида намоз ўқишни танлаганларини кўрган эдим», деди».

Икки Шайх ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ривоятда номлари зикр қилинаётган киши машҳур саҳобий Салама ибн ал-Акваъ розияллоҳу анҳудирлар.

«Мусҳаф ёнидаги устун». Қуръони Карим ёзилган саҳифалар бир сандиққа солиниб, ўша сандиқ «Муҳожирлар устувонаси» номли бир машҳур устуннинг остига қўйилган эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кишилар олдиларини кесиб ўтмаслиги учун суннат ва нафл намозларни кўпроқ ана шу устунни тўсиқ қилиб олиб ўқир эдилар.

Салама ибн ал-Акваъ розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу одатларини яхшилаб тақлид қиласар эканлар. Бу ҳолни эса ушбу ҳадис ровийси Салама ибн ал-Акваъ розияллоҳу анҳунинг озод қилган қуллари Язид ибн Абу Убайд розияллоҳу анҳу ўз хожаларидан сўраб, билиб, гапириб юрар эканлар.

Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳар бир нарсада эргашиш, у зотнинг намоз ўқиган жойларида намоз ўқиш фазилатли эканлигидан бир далолатдир.

Демак, масжидда якка ўзи намоз ўқиётган одам устунни ўзига тўсиқ қилиб олиб ўқигани яхши. Баъзи бирларимиз шу нарсанинг фарқига бормаймиз. Кўринган жойда, ҳатто кўпчилик ўтиб турадиган жойларда ҳам намоз ўқиб, ўзимизга ҳам, ўзгаларга ҳам ноқулайлик туғдирдик.

????? ?????? ??????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????

????????????? ?????? ?????? ?????????? ?????????? ??????

????????? ??? ?????????????? ?????????????? ?????????????.

????????? ?????????????? ?????????? ??????????????????.

Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга калта найза санчиб берилар ва у зот унга қараб намоз ўқир эдилар».

Учовлари ривоят қилғанлар.

Шарҳ: Саҳобалардан бирлари «ҳарба» ёки «аназа» деб аталадиган калта найзани кўтариб юрар эди. Очик жойларда намоз ўқиладиган бўлса, у Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўғриларига санчиб қўйилар эди. Ўша найза тўсиқ вазифасини ўтар, имомнинг тўсиғи қавмга ҳам тўсиқ ҳисобланар эди.

????????? ??? ?????????????? ?????????? ?????? ??????????

????????? ??? ?????????????? ?????????????? ??????????????

?????????. ?????? ??????????????.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уловларини қўндаланг қилиб туриб, ўша томонга қараб, намоз ўқир эдилар».

Учовлари ривоят қилғанлар.

Шарҳ: Демак, миниб юрган ҳайвонни тўсиқ қилиб, намоз ўқиса ҳам бўлар экан.

?????????? ?????????? ?????? ?????? ??????: ??????
????????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ??????????
????? ???????? ?????????????? ??????: ??????
?????????? ??????????. ??????? ?????????.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан намозхоннинг сутраси ҳақида сўрашди. Бас, у зот:

«Эгарнинг суюнчиғи (баландлиги)ча», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Демак, сутранинг баландлиги ҳақида сўралди. Арабларда одам суюниб кетиши учун эгарнинг орқаси махсус равишда баланд қилинади. Ана ўша суюнчиқ баландлигидаги нарса сутра учун кифоя қиласар экан.

????? ?????????? ?????? ?????? ?????????? ?????? ?????
?????????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ?????????? ??????:
????? ?????? ?????????? ?????? ?????? ?????????? ??????
?????????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ?????? ??????
????? ?????? ?????? ?????? ??????. ?????? ??????

?????? ??????? ??????????????????.

Толҳа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз олдига эгар сұянчиғиқалик нарсаның қўйса, унинг ортидан ким ўтганига эътибор бермай, намозни ўқийверсинг, дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Демак, сутра қўйиб олган одам сутра орқасидан ким ёки нима ўтганига эътибор бермаслиги керак. Сутранинг орқасидан ўтган нарса унинг намозига ҳеч қандай зарап қилмайди.

?????? ??????: ??????? ?????????? ??????? ??????

?????????. ??????? ?????? ?????? ???????.

Ато раҳматуллоҳи алайҳи:

«Эгарнинг сұянчиғи бир аршин ва ундан баландроқдир», деди».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ривоят соҳиби машҳур тобеъин Ато ибн Абу Рабоҳ саҳобалар ичида илмлари билан машҳур бўлганлар. «Ислом умматининг илм денгизи» деб ном олган буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан Макка аҳли бир масалани сўрашганида: «Ичингизда Ато туриб, мендан сўрайсизларми?» деган эканлар.

Ато ибн Абу Рабоҳ раҳматуллоҳи алайҳи ўша вақтлардаги, яъни ҳадисларда зикр қилинган эгарнинг сұянчиғи қанчалик баланд эканлигини тушунтириб бермоқдалар. Биз «аршин» деб таржима қилган сўз араб тилида «зироъ» дейилиб, аслида қўлнинг бармоқ учидан чиғаноғигача

бўлган қисмига айтилади. Узунлик ўлчови сифатида 58 сантиметрни ташкил этади. Демак, сутра қилинадиган нарса ана шу баландликда ёки ундан бир оз юқорироқ бўлса, кифоя қилар экан.

????? ???? ???? ?????????? ???? ???? ???? ???? ????
????????? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ????:
????? ???? ???? ?????????? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ????
????????? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ????
????????? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ????
????? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ????
????? ???? ???? .

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз намоз ўқийдиган бўлса, юзи томонга бирор нарса қўйиб олсин. Агар ҳеч нарса топмаса, асони тиклаб қўйисин. Бас, агар у билан асо ҳам бўлмаса, бир чизиқ чизиб қўйисин. Сўнгра унинг олдидан ким ўтса ҳам зарар қилмайди», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадисда намоз ўқувчининг олдида сутраси бўлишига катта эътибор берилмоқда. Шунингдек, сутра нималардан иборат бўлиши мумкинлиги тартиб билан баён қилинмоқда. Аввал имкони бўлса, бирор нарса қўйиб олиш керак. Агар ундей нарса бўлмаса, асони тиклаб қўйиш, агар асо ҳам бўлмаса, чизиқ чизиб қўйиш лозим. Шундан сутра намозхоннинг кўнгли тўлиши учун қилинадиган нарса эканлиги билиниб турибди.

????? ?????????????? ???? ?????????????? ?????.
?????? ??????: ??? ?????????? ????????.
????? ?????????? ?????????? ????????.
????? ?????????? ?????? ?????????? ????????.
????? ?????????? ?????????? ????????.
????? ?????????? ?????? ?????????? ????????.
????? ?????????? ?????? ??????????.
????? ?????????? ?????? ??????????.
????? ?????????? ?????? ??????????.
????? ?????????? ?????? ??????????.

Миқдод ибн Асвад розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Қачонки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир шоҳ ёки устун ёхуд дарахт томонга қараб намоз ўқиётганларини кўрсам, албаттa, ўша нарсани ўнг ёки чап қошлари тўғрисига олиб ўқир эдилар. У нарсага тўппа-тўғри турмас эдилар».

Иккаласини Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилғанлар.

Шарх: Демак, намозхон сутрани қоқ рўпарасига эмас, бир оз ўнг ёки чап томонига олиб намоз ўқиши керак экан.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.